

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 13 июн чоршанба Сотувда эркин нархда № 115 (2677)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHXAMASINING GAZETASI

«Оқсарой» қароргоҳида қабул

12 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Оқсарой» қароргоҳида таниқли россиялик олим, йирик жамоат арбоби, сиёсатшунос ва ёзувчи Федор Бураляккийни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

(Ў.А.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш, тармоқни ривожлантириш, таъминотни яқинлаштириш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 октябрдаги 401-сон қарори билан «Ўзавпахтасаноатсоти» давлат-акциядорлик уюшмасига кирувчи корхоналар ва ташкилотларни давлат тасаруфидан чиқариш ва акциялаштириш масалалари буйича ташкил этилган махсус комиссиянинг:

пахта хомашёсини қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат-акциядорлик уюшмаси «Ўзавпахтасаноатсоти»ни «Ўзпахтасаноат» уюшмасига айлантириш; пахта хомашёсини харид қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини етказиб бериш ҳудудий давлат-акциядорлик бирлашмаларини тегишли равишда тугатган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Пахтаसानоат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларини ташкил этиш;

тармоқнинг корхоналари ва ташкилотларини акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларида шаклларида айлантириш жараёнини янада чуқурлаштириш тўғрисидаги тақдирлари қабул қилинсин.

2. Қўйндагилар «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг асосий вазифалари эғиб белгилаб бериш; жаҳон ва ички пахта бозорлари конъюнктурасини мунтазам ўрганиш ва уларда шаклланиётган тенденциялардан келиб чиққан ҳолда чигитнинг селекция навларини жойлаштириш тизимини, пахта етиштириш ҳажмлари ва таркибини такомиллаштириш буйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

бозор ислохотларини амалда оширишда, жаҳон бозорида рақобат бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тармоқнинг пахта тозалаш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлашда, илгир техника ва технологияларни жорий этишда, инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда «Пахтаसानоат»

(Давоми 3-бетда).

Олин хабар қилганимиздек, Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида бокс буйича навбатдаги жаҳон чемпионатида энг нуфузли саналган 91 килограмм вазнда ҳамюртимиз Руслан Чагаев олтин медални қўлга киритди. Дастлаб Қозғоғистон, Венгрия ва германиялик рақиб-

Икки қарра Олимпия, тўрт марта жаҳон чемпиони, охириги 9 йил ичнда умуман маълумият аламини тотмаган кубалик афсонавий спортчи Феликс Сафонин яхши танийсин. 1997 йили Венгриянинг Будапешт шаҳрида Руслан ана шу боксчини ҳам рингдан

ЎЗБЕКISTON ЎЗ ЧЕМПИОНЛАРИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

ларини таслим этган Руслан Филалда Алексей Мазинин (Украина) билан рубару келди. Ва учрашуунинг иккинчи раундидаёқ Русланинг яқола устуниги тўхташилди ҳакамлар ўйини тўхташилди мажбур бўлишди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш, абитуриентларга тест синовларидан ўтишда қулайлик яратиш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танилаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2001/2002 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш буйича умумий қабул сони 49500, шу жумладан 19800 давлат грантлари ва 29700 тулов-контракт асосида белгилаб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари буйича; магистрлар тайёрлаш буйича умумий қабул сони 4200, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 2800 тулов-контракт асосида белгилаб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассислар буйича тақсимлансин.

2. 2001/2002 ўқув йилида табибёт олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлиmlарига умумий қабул квоталари 200, шу жумладан давлат грантлари буйича 100 ва тулов-контракт асосида 100 квота белгилаб, улар республика табибёт олий таълим муассасалари буйича тақсимлансин.

3. 2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш буйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда уларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантлари ва тулов-контракт асосидаги бакалаврлар ва магистратура буйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари буйича тақсимлаш тўғрисидаги тақдирларини бир ҳафта мuddатда

да тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда:

икки ҳафта мuddатда педагогика ва касбий-педагогик тайёрларлик йўналишлари буйича уч йиллик дастурлар асосида сиртки бўлимларда бакалаврлар тайёрлаш буйича қабул қилиш тартиби ва қондалари тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

бир ой мuddатда Давлат таълим стандартлари талаблари асосида уч йиллик ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайётган ва Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида жойлашган олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истгани билдирган абитуриентларни 10 июлдан 10 августга қадар бўлган мuddатда, олий таълим муассасалари қабул комиссиясига тақдим этиладиган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, тегишли манзилга бир мартава бориб келиш учун бепул темир йўл чипталари билан таъминлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини абитуриентларнинг сони ва йўналишлар ҳақидаги тақдимловчи маълумотлар билан ўз вақтида таъминлансинлар.

8. Давлат комиссиясига, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 12 июн.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётига таъбиқ этишнинг иккинчи босқини вазифаларини бажарилишини таъминлаш юзасидан кенг қўлағи ишлар амалга ошириладиган бир пайтда Вазирлар Маҳкамаси «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда умумтаълим мактаблари ва янги турдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш масалаларини алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юрталарида 120 миң нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг Қадрлар тайёр-

лаш миллий дастури талаблари асосида олий маълумот олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида, қарорга кўра, 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида ўрта махсус маълумотта ва камда уч йиллик педагогика стажга эга бўлган кадрларни қабул қилиш ва бакалавриятда ўқитиш учун махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурлари буйича сиртки бўлиmlар ташкил этилган.

Шунинг аҳамиятлики, бу мутахассисларни ўқитиш давлат бюджетидан ҳисобланган амалга оширилади.

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг малакали мутах-

сисларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганидан келиб чиқиб, бу йил олий таълим муассасалари магистратурасига қабул миқдори сезиларли оширилди.

Шу тақдирдан зарар қўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси ва ёшларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қарорда ушбу ҳудудларда яшайётган абитуриентларга қўшимча шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш қўзда тутилган.

Қарорга кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига янги худудлардан Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида жойлашган олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истгани билдирган абитуриентларни 10 июлдан 10 августга қадар бўлган мuddатда бепул темир йўл чипталари билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Ҳукумат томонидан ана бир бор олий таълим тизимини янада ривожлантиришни такомил-



1994 йил 5 декабр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Будапештда бўлиб ўтган конференциясида нутқ сўзламоқда. (Сурат архивдан олинди).

Асрга татиғулик йиллар

«Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг биринчилар қатори ЕХХКга қўшилди. Бу тасоифий эмас. Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда ЕХХК ўрнини босадиган ташкилот йўқ. Бу ташкилот алақачи Европа четараларини четга чиққан. Унинг ишида АҚШ ва Канада вакиллари иштирок этаётгани ҳам бежиз эмас».

Президентнинг бу сўзларини ўқиган киши, энг аввало, кечаги кунни — собиқ Иттифокнинг мустақиласи бўлган Ўзбекистонини эслайди. Ушга пайтда республика раҳбари бу фикрни айта олармиди? Умуман, Ўзбекистонининг ана шу нуфузли халқро ташкилотга қўшилиши кимнинг ҳаёлига келганди? Гапнинг очиги, илгари ҳатто кўпчилик дунёда бўлмайди ҳаракат борлигини билмас эди. Мустақиллик шарофати тўғрисидаги мамлакатимиз номи жаҳонга танилди, у бир қатор халқро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Дарвоқе, ЕХХК қачон ташкил этилган? Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳаракатига 1975 йилда Хельсинкида асос солинган. Дастлаб бу ташкилотда 33 мамлакат иштирок этган бўлса, 1994 йилда уларнинг сони 53 тага етди.

ЕХХКнинг ўнга қондас бўлиб, бу унинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, четараларни ўзбошимчлик билан қайта кўриб чиқишдан тийилиш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва бошқа қондалар шулар сирасига қиради. Буларнинг бари 1990 йилда Парижда имзоланган Европа Хартиясида қайд этилган.

Эътиборини, ана шу қондаларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Таниқли халқро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг қўн соғли экспертилари ўз хулосаларида буни тасдиқлашди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон дунёвий тараққёт асосида демократик давлатни барпо этиш йўлидан бормоқда, ўзи танилаб олган қондаларга солиқлигини амалда намойиш қилмоқда.

1994 йил 5-6 декабр куллари Будапештда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтди. ЕХХК тарихидаги бу энг мартабали анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

— Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган уч йил биз танлаган йўл тўғри эканини қўрсатди, — деди мамлакатимиз раҳбари, жумладан, ўз нутқида. — Биз ўтказибётган ислохотларнинг моҳияти, энг аввало, иқтисодиётни мафкурудан холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлиги, бизнинг шароитимизда «фаластун қилиб даволаш» деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўтказилаётган ислохотларнинг ичкилиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Мустақиллигимизнинг учинчи йилида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ҳам мисли кўрилмаган воқеалар, янгилик ҳамда ўзгаришлар юз бердики, бу ҳақда газетанинг 2-саҳифасида ўқига қиламиз.

МУСТАҚИЛЛИК МУНАВВАР ЙЎЛ

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ФАРҒОНАДА

Бу йил 1500 нафардан зиёд қорақалпоғистонлик болалар Фарғона вилоятидаги ўнлаб оромгоҳларда мириқиб дам оладилар. Кеча дам олувчиларнинг бир қисми — 710 нафар бола махсус поездларда Фарғонага етиб келди. Шу куннинг ўзидаёқ улар вилоятдаги «Коинот», «Тонг», «Хумо» сингари энг сўлим оромгоҳларга жойлаштирилди. Уларнинг ёз буйи мириқиб ҳордик чиқаришлари учун вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшмалари вилоят кенгаши барча шароитларни муҳайё этган.

СУРАТДА: Оролбўйи болаларини кутиб олиш пайтидан лавҳа акс эттирилган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



9 июн куни Самарқанд шаҳрида Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг фуқаролик ва жиноят ишлари буйича вилоят судлари судьялари, Судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ад-

Самарқандда семинар

лия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлиmlари масъул ходимлари иштирокида «Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислохотлари» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

(Давоми 3-бетда).

МУСТАКИЛЛИК
1991 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001
МУНАВВАР ЙҮЛ

Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, аввало, инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор. Биз бу гоёни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғишмай боришга интилмоқдамиз.
Ислом КАРИМОВ.

Ҳаёт синовидан
ўтган йўл

Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройида 25 январь куни Европа ва Осиё мамлакатлари санатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг йиғилиши иш бошлади. Бу анжуманда собиқ Иттифок республикаларидан ташқари Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, жами 20 дан ортиқ мамлакатларнинг вакиллари иштирок этди.
Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқини эътибор билан тингладилар.
— Утган йиллар қолдирган оғир меросдан қутилиш, иқтисодий ҳама томонлама қайта ташкил этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш учун, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган ҳаёти, турмуш тарзи, тарихий ва миллий ўзлигига асосланиб, шунингдек, бундай машаққатли йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиб, биз тараққиётнинг ўзимизга хос йўлини танладик, — дея яна бир қарра таъкидлади Ўртбошимиз. — Бу йўл беш принципга асосланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1. Иқтисодиёт сивасатдан устун туриши керак.
2. Давлат иқтисодий ислохотларнинг ташаббускори ва уларни ҳаётага таъбиқ этадиган асосий кучдир.
3. Иқтисодий ҳаётдаги барча соҳаларда қонуний устуллик.
4. Аҳолини, айниқса, унинг иқтисодий ноҳор қисмини, ногиронлар, болалар ва серфарзанд оилаларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қўли иқтисодий сивасат юргизиш.
5. Бозорга босқичма-босқич ўтиш.
Бу йўлнинг қанчалик тўри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Мана, бир далил.
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 360-сонли қарорига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига эркин нарх белгиланшига ўтишни 1994 йилнинг 1 январига ҳақиқатан қилишга қарор қилинди. Лекин аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган миқдорда таъминлашнинг амалдаги тартиби мuddати вақтинча узай-

эл сармояларини кенг жалб этиш юзасидан мислсиз чоралар кўрилди» («Известия»).
«Ўзбекистон кўплар учун қутилмаган ҳаракатни қилди, бу ҳаракат бошқа МДҲ мамлакатларидагидан теранроқдир. Президент И.Каримов Фармонида белгиланган чора-тадбирларни иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олади... Уларни амалда рўйбга чиқариш учун республика мустақиллиги эълон қилингандан сўнг етарли даражада ишончли асос яратилган» («Московская правда»).
Яна бир далил. Ўртбошимиз 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессияда сўзлаган нутқида ҳам 21 январда чиқарилган Фармоннинг ахамияти ҳақида тўхталиб, бундай деди:
«Хўш, 21 январь Фармони бизга ни-

ва халқ рамзи, мустақиллиқнинг муқаддас белгисидир!
Мустақил Ўзбекистон халқи буюк воқеа арафасида турибди, — деди Президент пировардида. — Биз иқтисодий мустақиллик йўлида яна бир улкан қадам ташлаётимиз: ўз миллий пулимизга эга бўлаётимиз. Аслини олганда, бу ҳам бир саодат. Биз бундан ҳис этишимиз, миллий пулимизни янги тузилган фарзанд каби бағримизга босишимиз, у билан гурулашимиз, асраб-авайлашимиз, қуч-қувватли, қадрли баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.
Худди шу кун мамлакатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеқди. Вазирилар Маҳкамаси «Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириб, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва экспорт им-



19 март — Президент Фармонига биноан 1994 йил «Мирзо Улугбек йили» деб эълон қилинди.

кониятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.
Хар иққала ҳужжатни халқимиз манфаатдорлик билан қутиб олиб, уларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Уша

унутилмас воқеа арафасида матбуот нашрларидаги чиқишларни ўқиган киши, албатта, бунга тула ишонч ҳосил қилади:
«Хар бир ватанпарвар юртдошимиз ўз халқи ва миллатининг қадрини учун қандай курашса, шу миллатга атаб чиқарилган пулнинг қадрини учун ҳам шундай курашиши керак» (Пиримкул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси).

«Бугун кўлимда ушлаб турган пул овоз, мустақил Ватаним тисқоси сифатида менга азиз ва муқаддасдир. Фармонда эркаклар пулни чорсига ўраб, белга боғлаб юрадилар. Тилак қиламанки, умидлар билан зарб этилган пул бун давлатимизнинг белини бақувват қилсин», (Эркин ВОХИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири).
Бу фикрлар ва бу ниятлар бугун қанчалик ижобат тоғганига ўзимиз гувоҳимиз.

Ўзбекистон
жаҳонни, жаҳон
Ўзбекистонни
танимоқда

Қайси бир мамлакатда тараққий этган давлатларнинг бой тажрибасидан оқилона фойдаланиб, уларнинг услуби дадил ва эркин жорий этилса, уша юрда ривожланиш бўлади. Масалан, Хиндистонни олайлик. Бу мамлакат айни шу йўлдан бориб, жаҳон ҳамжамиятида

листвларнинг саволларига жавоб берад экан, Давос учрашувида Ўзбекистонга алоҳида эътибор берилганини таъкидлади. Бир қанча давлатлар раҳбарлари ва ишбилармонлар билан учрашулар чоғида коммуникация соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар очиб, республикадаги мавжуд хомашё ва табиий захира-ларни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш хусусида фикрлашиб олинганини қайд этди.

— Жаҳоннинг таниқли иқтисодчи ва ишбилармонларида Ўзбекистонга катта қизиқиш уйғота олдиқ, — деди Президент. — Улар билан яқин ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия, Япония, Хитой, Туркия ва Украинага, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пан, Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран, Корея Республикаси Президентининг Ким Ён Сам жаноби олийларининг Ўзбекистонга расмий ташрифлари ҳам самарали бўлди. Уларда ўзаро иқтисодий ҳамкорликка замин яратилибгина қолмасдан, балки бундай ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ҳам эришилди. Зеро, тарихдан аёнки, ҳеч қандай давлат, у қанчалик буюк ва қудратли бўлмасин, иқтисодий алоқаларсиз, янгича, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймастан туриб, қўзланган тараққиётга эриша олмайдди. Мана, уш йилдики, шу йўл орқали Ўзбекистон жаҳонни, жаҳон Ўзбекистонни танитгани бунинг ёркин далили бўла олади.

Шу ўринда Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Паннинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир:
— Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотлар ўтказилган. Шу жиҳатдан қараганда, бизда умумий томонлар кўп. Аммо бу ҳол иққала мамлакат ҳам тараққиётнинг бир хил йўлидан боради, деган маънони билдирмайдди. Чунки Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти бор. Хитойда ҳам шундай. Лекин биз бир-биримиздан ўрганишимиз керак. Утишимиз буюк Ипак йўли мамлакатларимиз халқларини бир-бирига боғлаб турган. Эндликда биз янги буюк Ипак йўлини барпо этишимиз лозим. Бизнинг дўстлик алоқаларимиз аждодларимизникидан ҳам мустаҳкамроқ бўлади, деб умид қиламан.

Ҳаёт ҳам,
одамлар ҳам
ўзгараётир

Республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан олиб борилган ички ва ташқи сивасат пировардида қандай самара берди? Айтиш лозимки, 1994 йили иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада амалга оширилган ислохотлар чуқурлашди. Бозор муносабатларига ўтишга қаратилган йўл қатъийлашди. Унинг конституцион-ҳуқуқий ва ташкилий асослари мустаҳкамланди.

Натижада республикадаги мавжуд

1994
ЙИЛ



6 январь — «Тошкент-Жиззах» электр поездеи қатнови йўлга қўйилди.

тирилди, январ ойида гурч, ўсимлик ёғи, қанд-шакар ва чойнинг шартнома асосидаги (эркин) чакана нархларининг амалдаги даражаси сақлаб қолинди. Сотиб олинмаган бугдой ва шу бугдойдан тортиладиган унинг қиймати кескин ошишига қарамай, нон навларига белгиланган нархлар ҳам ушлаб турилди. Январ ойида нон учун давлат томонидан ажратилмаган ёрдам пули 11,5 миллиард сўм-қулпонага етказилди.

Иқтисодиётдаги
туб бурилиш

1994 йил 21 январь кун Президент Ислом Каримов «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармонга имзо чеқди. Бундай деиш-шимизнинг боиси шунки, Ўртбошимизнинг мамлакат иқтисодчилари ва тадбиркорлари билан бевосита мулоқотларни маҳсули сифатида дунёга келган бу ҳужжатда иқтисодий ислохотларнинг барча устувор йўналишлари қамраб олинган бўлиб, у кейинчалик ҳам ҳамма учун дастуриламал вазифасини ўтади.

Ҳалқимиз бу кунни орақиб қутган эди. Уша йилнинг 1 июлидан эътиборан миллий пулимиз муомалага киритилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Сўм» қонуний тўлов воситаси ҳисоблана бошлади.
Маълумки, маҳсулотларни ўзаро айриб-бўлаш осонлаштириш мақсадида миллий валюталар турли қийматдаги пул бирликлари билан белгиланган. Республикада ҳам шаклланаётган товар-пул-товар муносабатларига қўлайлик яратиш учун 100, 50, 25, 10, 5, 3, 1 «сўм» қийматидаги қоғоз пуллар билан бирга, 50,20,10,5,3,1 «тийин»лар муомалага чиқарилди.

«Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ўтказиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ишбилармонликни ривожлантириш ва иқтисодиётга чет

малар берди?
Биринчидан, у мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янада юксак босқичга кўтарди, уларга янгича сивасат йўналишлари ва кафолатларини берди.
Иккинчидан, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш ва уни ҳимоялаш, мулкнинг барча шаклларидаги ҳар бир қорхона ҳамда ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятини қучайтириш учун янги имкониятлар очди.

- 3-5 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Хиндистонда бўлди.
6 январь — Муборак газни қайта ишлаш заводида янги 14-блок ишга туширилди.
16 январь — Президентимиз бошчилигидаги расмий делегация амалий ташриф билан Бишкекда бўлди. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ислом Каримовга «Рухоният» халқаро уюшмасининг муқофоти топширилди.
21 январь — Президент «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармонга имзо чеқди.
25 январь — Тошкентда Европа ва Осиё мамлакатлари санатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг йиғилиши иш бошлади.
11 февраль — Нукусда Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.
25 февраль — Норвегиянинг Лиллехаммер стадионида XVII қишқ Олимпиада тарихида биринчи марта мустақил Ўзбекистон гимни янгради: ҳамюртимиз Лина Черязова фристайл бўйича Олимпия чемпиони бўлди.
18-20 апрел — Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.
25 апрел — Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланди.
5 май — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон — «Олтин Олдуз» медали топширилди.
16-19 май — Ислом Каримов расмий ташриф билан Японияда бўлди.
30 май — Тошкентда биринчи марта «Президент кубоғи» учун халқаро теннис мусобақаси бошланди.
4 июн — Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам расмий давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.
10 июн — Матбуотда Вазирилар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.
12 июн — Мингбулоқ қонида 5222-5262 метр чуқурликдан нефть қазиб олиш бошланди.
23-24 июль — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Туркияда бўлди.
1 июль — Миллий пулимиз муомалага киритилди.
24-25 сентябрь — Хоразмда давлат арбоби ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллиги нишонланди.
15 октябрь — Самарқандда беназир олим ва давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўртбошимиз нутқ сўзлади.
24-26 октябрь — Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.
10 ноябрь — Ислом Каримовнинг Украинага расмий давлат ташрифи бошланди.
6 декабрь — Республика Киночилар уйида буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.
25 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.



2 август — Тошкентда «Юнусобод» спорт мажмуи очилди.

ни белгилайдиган яна бешта ҳужжат ва меморандумга имзо чеқилди. Давлатларо муносабатларнинг асослари ҳақидаги ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Деклидаги Жаҳоҳарлавл Неру университетини профессор-ўқитувчиларининг тантанали йиғилишида эса Ислом Каримовга ҳуқуқшунослик доктори фахрий даражаси берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур университетнинг фахрий унвони сўнгги марта Германия Федератив Республикасининг собиқ раҳбари, Нобель муқофоти соҳиби Вилли Брандга насиб этган эди.

Ислом Каримовнинг тантанали маросимда сўзлаган нутқи олимларини шу қадар тўқинлантириб юбордики, университет ректори П.Хаскер уларнинг гулдӯрос қарсақлари остида бундай деб лутф қилди:

— Хиндистонни илк бор туркий халқлар учун аллома Беруний кашф этган бўлса, уни иккинчи марта ўзбек халқи учун Сиз кашф этдингиз.

Президентимизнинг Швейцарияга савари эса (27-31 январь) беш кун давом этди. Сафарининг биринчи кунини Ўртбошимиз бу мамлакат конфедерацияси Президенти Отто Штих жаноблари билан учрашди. Маълумки, у мамлакат молия вазири бўлиб ишлаган кезлари Ўзбекистонга келиб, бизнинг Президент билан ўзаро иқтисодий, маданий, сивсий ҳамкорлик хусусида фикрлашган эди. «Сиз, Президент жаноблари, Давос форуми Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қўриқ, деб айтган эдингиз», — дея хотирлади Отто Штих. — Бугун сиз ана шу қўриқни мустаҳкамлаш учун катта хизматлар қилаёсиз».

Давос форуми гарчи иқтисодий анжуман бўлса-да, унга жуда кўплаб сивасатчилар ҳам келишди. Президентимиз бу ерда Туркия Президенти Сулаймон Демирал, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркменистон Президенти Сапармурод Туркманбоев, Покистон Бош вазири Беназир Бхутто, Россия Бош вазири Виктор Черномырдин, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес билан суҳбатлашди. Шунингдек, Давос форуми доирасида Ислом Каримов дунёнинг энг йирик банклари ва фирмалари бошлиқларини ҳам ўз қароргоҳида қабул қилди. Мамлакатимиз Президенти 31 январь кун Тошкентга қайтиб келган, журнал-

корхоналарнинг 67 фоизи, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўри келди. Тайёр маҳсулот салими 28,8 фоиздан 33,2 фоизга ўсди. Дон етиштириш ва нефть ишлаб чиқариш ҳамма ҳам сезиларли даражада кўпайди.

Қувончлиси, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг кескин қамайиб кетишига йўл қўйилмади. Қиёс: агар ялли ички маҳсулот ҳажми бизда 3,5 фоиз озаий бўлса, бу кўрсаткич Россияда 16 фоизни, Қозоғистонда 25,4, Белорусда 20 фоизни ташкил этди.

Ил мобайнида, шунингдек, мамлакатимизда салкам 10 миғта объект мулкчилик шаклини ўзгартирди. Уларда 4 миллиондан ортиқ киши иш билан банд бўлди. Эндликда эса бу жараён халқ ҳўжалигининг базавий тармокларни, санат қорхоналарини ҳам бошланиб кетди.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорларнинг фаолиятини ривожлантириш учун эса қўлай шароитлар яратилди, уларнинг кафолатлари мустаҳкамланди. Чет эл инвесторлари иштароқда 1,5 миғта қорхона очилди.
Аҳолини озиқ-овқат, халқ ҳўжалигини ёнилли-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш, қундалиқ айтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам кенгайди. Хусусан, илгари Россиядан 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, 1995 йилги нефть бор-йўғи 750 миғ тонна этиб белгиланди. Донга келсан, авваллари 5-6 миллион тонна галда сотиб олинган бўлса, ўша йили бу миқдор 3,5 миллион тоннага тушди.

Шу билан бирга, республикада ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймастан, қандайдир нархларнинг эркинлаштирилиши билан бир вақтда иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори бир неча марта оширилди.

Буларнинг ҳаммаси республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўзгартириб-гина қолмасдан, одамлар руҳиятини ўзгартириш ҳам сезиларли даражада таъсир этди. Одамлар аста-секин боқимандалик кайфиятидан халос бўла бошладилар. Бу эса қўлга қиртилган ютуқларнинг энг қаттиси эди.

Иқром ЎТБОСАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

қибига пахта тозалаш корхоналари (пахта тайёрлаш пункти билан бирга) ва уруғлик чигит тайёрлаш корхоналари, таъмирлаш, қуриш, таъмир, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари кирди. Шу билан бирга ҳудудий акциядорлик бirlашмалари таркибига пахта хомашиси чиқиндиларини қайта ишлаш корхоналари ҳамда улардан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар киритиш мумкин.

бида Пахта хомашиси ва пахта маҳсулотлари контрактацияси ва ҳисоб-китоби марказлари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига контрактация шартномалари тузиш, пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш, етиштирилган пахта хомашиси ва пахта маҳсулотлари учун узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш вазифалари юклатилсин.

риқ қилиш ва уни ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш; пахтанинг жаҳон бозоридан харидориги бўлган селекция навларининг сифатли уруғлик чигитларини тайёрлаш ва улар билан пахта етиштирувчи ҳўжалиқларни таъминлаш; Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари Молия вазирлиги ҳўзурдаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, пахта хомашисини харид қилиш ва қайта ишлаш учун тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш;

Узбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш; пахта хомашисини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга қўйиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашиси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш.

Узбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш; пахта хомашисини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга қўйиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашиси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш.

Узбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш; пахта хомашисини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга қўйиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашиси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш.

Узбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш; пахта хомашисини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга қўйиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашиси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш.

Узбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш; пахта хомашисини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга қўйиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашиси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш.

Узбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудий акциядорлик бirlашмалари контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермер ҳўжалиқларида аванс бериш ва улар билан узи-кесил ҳисоб-китоб қилиш; пахта хомашисини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга қўйиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашиси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 11 июн.

Самарқанда семинар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Суд-ҳўқуқ соҳасида Таъбирлар дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи томонидан ташкил этилган семинар қатнашчилари мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳўқуқ ислохотининг долзарб муаммоларини муҳокама қилди.

га оғишмай ривож этишларини таъминлашдан иборат эканлиги семинарда алоҳида таъкидланди. Суд қарорлари ҳамда ҳўқмларини апелляция, кассация ва назорат тартибида текшириш, йўл қўйилган суд ҳалқотарини ўз вақтида бартараф этиш — суд амалиётини бундан буён ҳам ҳар томонлама такомиллаштириш ва суд ишларининг адолатли ҳал қилинишини таъминлаш имконини берди. Шу тўғрйли ҳам бу масалалар семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлганлиги бежиз эмас.



ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЧЕМПИОНЛАРИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

нидан маҳрум қилишга эришиди. Бундай адолатсизлик ёш спортчиларнинг иродасини бука олмайди. Руслан 1998 йили Болгариядаги халқаро турнирда Ф.Савонини яна бир бор мағлуб этиб, бутун дунёни дол қилди.

дайд дегандилар: "Сен ўз вагинда энг кучли боксчи эканлигининг кўпчилиги экан биллади. Ишончим қомилки, ҳақамлар панд бермаганида Олимпия чемпиони буларнинг. Кейинги мусобақаларда муштининг зарби билан ҳақамлар хатосини тўғрилайингга аминман".

Давлатимиз раҳбарининг бунчалик катта ишончи билан сазовар бўлган Руслан шу пайтда деб дилига тукканди: энг кучли боксчи эканлигининг албатта исботлайман.

Ингит сўздан қайтмайди, деб шунга айтисалар керак-да. Муштининг зарбидан ўз қақнайдиган Руслан Президентининг

га, халқига берган ваъасининг устидан чиқди. Юрта ёруғ юз билан қайтиди.

Бугун тонг ёришиши билан кенг жамоатчилик Тошкент аэропортида голиб боксчиларини қарнай-сурнай садолари остида кутиб олди. Илоҳо, музаффар ўғонлар юртва қаттан дамлар ана шундай танта-на бўлиши олати айланаверсин.

Қуала-Лумпур—Тошкент йўналиши бўйича учган самолёт кеча соат 13:45 да пойтахтимизга келиб қўнди. Унинг пилотларидан Малайзияда бўлиб ўтган қаратэ бўйича жаҳон кубогини баҳсларида муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз тушиб кела бошладилар.

Семинарда Судьяларнинг малака хайбатларининг судьялик номзодлар захирасини яратиш ва судьялик лавозимларига номзодлар тавсия этиш борасидаги вазифалари, шунингдек, улар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди.

Сиднейда бўлиб ўтган XXVII Олимпиада уйинларини ҳам унутиб бўлмайди. Эсингизда бўлса, олим Австралида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳўим қилиб қайтган спортчиларини Президентимиз қабул қилган эдилар. Ана шу тантанали маросимда Юрбошимиз Русланга қарата шуниндан маҳрум қилишга эришиди. Бундай адолатсизлик ёш спортчиларнинг иродасини бука олмайди.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

Ингилшида сўзга чиққан Нельсон Ронсев, Абдусамат Муқомил, Қобил Қомил ҳам раиснинг кейинги 2,5 йиллик фаолиятини қўқарсиз, деб баҳолайди.

Маҳалла оқсоқоли, энг аввало, барнома шахсий намуна бўлиши керак, — деди Умарали Ҳайдаров. — Эргаш Жўрабоевнинг маҳалла ҳудудидан 12 та дароҳтин кестириб ўз қурилишига иштирок юборганини, бунинг учун жазирма тўғасанини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Тўғри, йигилши иштирокчиларининг бир қисми раис фаолиятини ёқлаб сапиршиди. 8 минг нафар аҳолини бirlаштирган маҳалла муаммоларини ечишини ўзи бўлмаслигини айтишди. Аммо ҳеч қим сўнги пайтда раис билан маҳалла фуқаролари ўртасида қандайдир бўлиқ пайдо бўлганини инкор қилмади.

Оромгоҳлар, соғломлаштириш лагерлари, шифохоналар, ётоқхоналар раҳбарлари диққатига!
Кенг ассортиментда, ишлаб чиқарувчи омпорхонасида
ЧОЙШАБЛАР
бир ётоқли
Чойшаб 203 x 120 ва 203 x 130;
кўрпа жилди 215 x 143;
ёстик жилди 50 x 50 ва 60 x 60.
икки ётоқли
Чойшаб 214 x 130;
кўрпа жилди 215 x 153;
ёстик жилди 60 x 60.
шунингдек:
сочиклар 85 x 50,
буюртмангизга қура махсус иш кийимлари
таклиф этилади.
Тел.: 191-47-41, 191-80-94, факс 191-74-63.

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФНОМА
2001 йил 14 июн
1737-УЗВ рақамли ОТБ кредити:
"Ўрта махсус, касб-хўнар таълимни ривожлантириш" лойиҳаси
B1/SSEP рақамли "Ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютерлар" шартномаси
1. Ушбу тендерга таклифнома 2000 йил март ойидаги "ОТБ бизнес имкониятлари" 22/3 рақамли ойномада чоп этилган тўғрисида умумий маълумот" дан сўнг чоп этилган.
2. Осиё тараққийт Банки (ОТБ) Ўзбекистон Республикасида "Ўрта махсус, касб-хўнар таълимни ривожлантириш" лойиҳаси учун кредит ажратган. Маъзур кредитнинг бир қисми B1/SSEP рақамли "Ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютерлар" шартнома тўловларини қоплаш учун сарфланади.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хўнар таълимни ривожлантириш бўлими 45та академик лицей ва касб-хўнар коллежлари учун "Товарлар" ни келтириш, жиҳозларга етказиб бериш ва уларни ўрнатиш бўйича ўтказиладиган тендер савдосига ОТБга аъзо бўлган давлатлардан катнашувчиларни таклиф қилади. Таклифлар хат жиҳда муҳрланган ҳолатда қабул қилинади. "Товарлар" ижтима бўлинимайдиган лотларга гуруҳлаштирилган:
* 1-лот — компьютерлар, аудио-видео ва оғис жиҳозларини келтириш, жиҳозларга етказиб бериш ва уларни ўрнатиш;
* 2-лот — ўқув-лаборатория жиҳозларини келтириш ва жиҳозларга етказиб бериш.
4. Халқаро тендер савдоси бир эътибор икки-ючиртали усул қондаларига мувофиқ ўтказилади ва бу савдо ОТБга аъзо бўлган барча давлатлар катнашувчилари учун очик.
5. Тендерда иштирок этишини истаган катнашувчилар тендер ҳужжатлари ва бошқа маълумот билан қуйидаги маълумотларга соат 09.00дан 19.00гача танишиб чиқишлари мумкин.
Ўзбекистон Республикаси, 700078
Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-хўнар таълимни ривожлантириш бўлими
Вазирнинг биринчи ўринбосари, лойиҳа директори
Ж.Х. Хусанов
Тел/факс: (99871) 1391606; 1391621
Электрон почта: piu_ssep@bcc.com.uz ёки minedu@online.ru
6. Тендерда иштирок этишини истаган катнашувчилар инглиз тилидаги тендер ҳужжатларини юқорида кўрсатилган манзилгоҳда сотиб олишлари мумкин. Бунинг учун улар аъза таллонома юборишлари, ҳамда қайтариб берилмайдиган 300 (юз) АҚШ доллари ёки Ўзбекистон Марказий Банки томонидан ўрнатилган алмаштириш курси бўйича илжлий валюта (сўмда) муқоабил маблағ тўлашлари шарт. Ушбу маблағ қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши ёки жойлаштирилиши керак.
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-хўнар таълимни ривожлантириш бўлими
Узўйжамгармабанк, меҳнат бўлими, Тошкент
МФО 00423
Ҳисоб номи: УМКХТ маркази
ИНН: 202515618
Чат ала валютаси савдо рақами: 20203840003761981001
Сум ҳисоб рақами: 23404000703761981067
Талабга қура, УМКХТМ тендер ҳужжатларини кўриб почта орқали юбориши мумкин. Лекин бу ҳолда УМКХТМ ҳужжатларини кенг борганлиги ёки йўқлиги кетганлиги учун ҳеч қандай масъулият олмайдди.
7. Барча таклифлар 2001 йил 15 август соат 14.30гача "Катнашувчилар учун йўриқнома"га қўзғиб қилинган бўлиши қўйилган тўғрисида маълумот берилган миждордаги билдириси (гаров) оммавий равишда иштирок этиш истагани билдирган катнашувчилар вакиллари олдидан расман очилади. Кечиктиб етказилган таклифлар қабул қилинмайди.
8. Тендерда катнашувчиларнинг таклифларини таъбирлар ёки етказиши билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари ёки ҳар қандай қўшимча тўловлари учун УМКХТ маркази масъул эмас.
9. Таклифларини баҳолашда "Катнашувчилар учун йўриқнома" шартларига мувофиқ ОТБнинг Маҳаллий афзаллик схемаси қўйилганлиди.

INVITATION FOR BIDS
14 June 2001
ADB Loan No 1737-UZB: Senior Secondary Education Project
Contract No. B1/SSEP - School Laboratory Equipment and Computers.
1. This invitation for bids follows the General Procurement Notice for this project that appeared in the "ADB Business Opportunities", issue Volume 22/No. 3 of March 2000.
2. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of the Senior Secondary Education Project, and it is intended that part of the proceeds of this loan will be applied to eligible payment under the Contract No B1/SSEP - School Laboratory Equipment and Computers.
3. The Center for Senior Secondary Education (CSSE) now invites sealed bids from eligible bidders for the supply, delivery and installation of Goods grouped in two indivisible lots:
Lot 1 - supply, delivery and installation of computers, audio-visual and office equipment
Lot 2 - supply and delivery of school science laboratory kits and equipment
to 45 model Professional Colleges and Academic Lyceums of the Center for Senior Secondary Education of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan.
4. International competitive bidding will be conducted in accordance with ADB's Single-Stage: Two-Envelope bidding procedure and is open to all bidders from eligible source countries.
5. Interested eligible bidders may obtain further information from the Center for Senior Secondary Education and inspect the bidding documents at the following address from 09.00 to 18.00 hours:
Senior Secondary Education Project
Mr. J. H. Husanov
First Deputy Minister of MOHSSE, Project Director
5 Mustakillik Square, Tashkent 700078
The Republic of Uzbekistan
Phone/Fax Nos: (99871) 1391606 or 1391621
E-mail: piu_ssep@bcc.com.uz or minedu@online.ru
6. The Bidding Documents, in the English language, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the above address and upon payment of a non-refundable fee of US\$ 300 (three hundred) or equivalent amount in the national currency of Uzbekistan (Sum) at the exchange rate of the Central Bank of Uzbekistan set on the day of the payment. The amount should be transferred or deposited to the following accounts:
Center for Senior Secondary Education of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan.
UZHSSEB Bank
Mekhnat Branch, Tashkent
Branch No 00423
Account Name: Center for SSE
Account Number: 20203840003761981001 (US\$ or other freely convertible currency)
Account Number: 23404000703761981067 (national currency Sum)
quoting Bid 1: Bidding Documents.
If requested, CSSE can dispatch the Bidding Document by courier. Noliability will be accepted for loss or late delivery.
7. All bids must be accompanied by a bid security of not less than two per cent (2%) of the total bid price and must be delivered in accordance with the instructions to bidders to the above address on or before 15 August 2001 at 14.30 hrs and will be publicly opened immediately thereafter in the presence of the Bidders' representatives who choose to attend. Late bids will be rejected.
8. Bidders in connection with the preparation or delivery of bids.
9. In the comparison of bids, ADB's Domestic Preference Scheme will be applied in accordance with the provisions stipulated in the Instructions to Bidders.

Жаҳонда, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Ўзбекистонда экспорт ва импорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳақида электрон ҳамда матбаа маълумотларини «КОМПАСС» тавсия этади.
Тел: 144-78-67, 144-16-19.

Мустақиллик самараси



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар давом этмоқда
Абдумуталиб Қориев Жарқўрган туманидаги Қобул Шойиммуродов номи маҳалласи раҳбарлик қилади. Таъбиркор, каттаю кичик билан тиллава олади, эл-улус тамда ором биламидан оқсоқо. Шу бос ҳам яқинда ушбу маҳалла ахли Абдумуталиб Қориевни оқсоқоликка қайта сайлади.
СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Абдумуталиб Қориев қўмига аъзолари билан. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Оқсоқолни аяшмади

Эргаш Жўрабоев Жиззах шаҳридаги «Кутарма» маҳалласига оқсоқол бўлган дастлабки ишларда тишиб-тинчимади. Бошқаларни ҳам хотиржам ўтиришга қўймади. Янги-янги ташаббуслар билан чиқди. Маҳалла ободончилиги, сузар қурилишида бош-қош бўлди.

Маҳалла оқсоқоли, энг аввало, барнома шахсий намуна бўлиши керак, — деди Умарали Ҳайдаров. — Эргаш Жўрабоевнинг маҳалла ҳудудидан 12 та дароҳтин кестириб ўз қурилишига иштирок юборганини, бунинг учун жазирма тўғасанини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Тўғри, йигилши иштирокчиларининг бир қисми раис фаолиятини ёқлаб сапиршиди. 8 минг нафар аҳолини бirlаштирган маҳалла муаммоларини ечишини ўзи бўлмаслигини айтишди. Аммо ҳеч қим сўнги пайтда раис билан маҳалла фуқаролари ўртасида қандайдир бўлиқ пайдо бўлганини инкор қилмади.

Ушбу юқорида айтилган ишдаги бир ёқламлик раиснинг ҳисобот маърузасида ҳам яққол сезилди. Бу эса сўзга чиқувчиларини ошқор, дадил таъкид қилишларига асос бўлди.

Али ХИДИРОВ, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:
— Маҳалла ҳудудидан ер олиб, боғ яратганим. Аммо боғ ўрни тузар жой қурилиши учун ажратилди. Бир умр ўқитувчилик қилган менга ер беришди. «Кимонди» савдоси ордига сотиб олишим керак экан. Ана юқорида кўрсатилган сўнг шундай бўлди ҳам. Бундай ишларни маҳаллада оммавий тарзда ташкил қилиш керак-ку? Турли ҳужжатлар тўплаб юзургилар қанча.

Марҳамат ҚОБИЛОВА, нафақадор:
— Фуқаролар йигили нафақа сўраб ёзган аризами асосиз раб жавобини берди. Бир неча марта қилган оғаж мувожатларим ҳам наф бермади. Ноллаж шахр ҳўқимизга ҳўжжатларимни тоштирдим. Ҳаққат бор экан. Қўриб чиқишиб, ижобий ҳал этишди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

